

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

РЎЗНОМА 1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган

1992 FEB 1992

• 1992 йил 25 январь шанба •
№ 18 (10.267). Баҳоси 35 тийин.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

ЯКДИЛ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАЙЛИК

24 январь куни Тошкентда вилоят жамоатчилиги вакилларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда фахрийлар ва оқсоқоллар, маҳаллалар, хотин-қизлар кўмиталарининг раислари, талабалар, халқ таълими ходимлари, корхоналар, муассаса ва идоралар, жамоа хўжаликлари, олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларининг раҳбарлари, халқ депутатлари Кенгашлари ва ижроия кўмиталари раислари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Ийгилишни халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг раиси С. Д. Сайдалиев кириш сўзи билан очди. Ийгиликлар Талабалар шаҳарчасида бўлган воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республика Олий Кенгаши Раёсатининг халққа Мурожаатномасини муҳокама этдилар. Шу масала юзасидан Р. Р. Шредер номидagi илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори М. Мишраев, Тошкент Давлат аграр дорилфунуни ректори Э. Т. Шайхов, халқ депутатлари

Ангрен шаҳар Кенгаши раиси С. Юсупалиев, Тошкент техника дорилфунуни талабаси, вилоят талабалар кенгаши аъзоси Ш. Рўзибоев, «Восток» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Г. Х. Сидиков, Ўрта Чирчиқ районидagi Ким Пен Ха номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Т. Мадиев, Бекобод районидagi Ленин номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи А. Рўзматова, Чирчиқ «Электрхимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Ф. Юсупов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Нотиқлар ҳозирги мурраккаб ўтиш даврида Ўзбекистонда барқарорлигини сақлаб турилганлиги, умумий интилиш ва куч-гайрат туфайли корхоналарда, дала ва фермаларда, транспорт ҳамда қурилиш майдонларида юксак меҳнат интизомига эришилганлигини таъкидладилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва республика ҳукуматининг қарорлари бел-

гиланган тадбирларни амалга оширишда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Талабалар ва ўқувчилар, ишчилар ва колхозчилар, шифокорлар ва пенсионерлар, кўп болали оилалар ва фахрийлар — Ўзбекистон аҳолисининг ҳамма табақалари республикамиз Президентининг ғамхўрлигини кундалик ҳаётларида ҳис этиб турибдилар. Лекин афсуски, Ўзбекистондаги барқарорлик айрим қора ниятли кишиларга ёқмайпти.

Эл назаридан қолган алам-задалар ғирром йўллар билан ҳоқимият томон уринмоқдалар, халқни чағатмоқдалар. 16—17 январда Тошкент шаҳрининг Талабалар шаҳарчасида рўй берган кўнгилсиз воқеалар вилоят меҳнаткашларининг қалбини ҳам чуқур ларзага солди. Ана шу воқеага берилган сиёсий баҳо ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг халққа Мурожаатномасини кенгаш аҳли тўла қўллаб-қувватлади.

Кенгашда ҳозирги танг-

лик вазиятидан чиқиш учун олдимизда турган вазифалар ва уларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб ўтилди. Вилоятда меҳнаткашлар турмушини яхшилаш учун ҳамма ерда тадбиркорлик билан ишлаш, қишлоқда фермерлик ҳаракатини кенг қўлоқ ёйдириш, қўшма корхоналар ташкил этиб, халққа зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Ҳозирги мурраккаб сиёсий вазият турли фикр ва қарашда бўлган ҳар хил оқимлар, ҳаракатларни бирлаштиришни тақозо этмоқда. Ўринсиз гина-кудуратларни, даъволарни бир чеккага йиғиштириб қўйиб одамларга, айниқса, ёшлар, талабаларга эътиборли бўлиш лозим. Энди фақат юқорининг топшириғи билан ишлайдиган вақтлар ўтиб кетди. Кишилар билан тенгма-тенг мулоқот олиб бориб, юзмаюз гаплашиш керак. Қарерда бирлик, ҳамжиҳатлик бўлсагина иш олға

силжийди. Ҳаммамиз уюшқоқлик билан бир мақсад йўлида тер тўкиб меҳнат қилсакгина қийинчиликлар бартараф бўлади. Энг муҳими руҳимизни туширмайлик. Руҳи тетик одамнинг иши ҳам тетик бўлади.

Президент И. А. Каримовга Ўзбекистонни оғир аҳволдан чиқариб олиш юзасидан белгиланган режаларини амалга ошириш учун зарур шароитни яратиб бериш кераклиги, республика ҳукуматига қийин ва масъулиятли ишларда охиригача кўмакдош ва мададкор бўлиб, қўлдан келган ердани аямасликка қарор қилганликлари кенгашда таъкидлаб ўтилди.

Кенгаш вилоят аҳолисига қарата Мурожаат қабул қилди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Б. Назаров, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирини З. Алматов ўртоқлар қатнашдилар.

Тошкент вилояти жамоатчилиги вакилларининг вилоят аҳолисига МУРОЖААТИ

Азиз биродарлар! Ҳурматли ота-оналар, акалар, укалар, опа-сингиллар!

Бугун дунё мустақил Ўзбекистон Республикаси учун кенг қўлоқ очилган, ўлкамиз жаҳон доирасида танилиб бораётган, бизга ёрқин истиқболлар кулиб боқиб турган шу улғу кунларда Тошкентнинг Талабалар шаҳарчасида рўй берган нохуш воқеалар қалбларимизни адиқча алам ва изтиробга тўлдирди.

Бўлиб ўтган воқеалар Ўзбекистоннинг халқаро доирадаги муваффақиятларини кўра олмайдиган баъзи қора юракли бузғунчиларнинг жаҳон жамоатчилиги олдида республикамиз образини тўкишга, мустақил давлатимизни қарор топтириш йўлидаги ижобий силжишларимизни барбод этишга бўлган уринишлари оқибатидир.

Тўғри, бугунги кунда эркин нарх-навоининг жорий этилиши муносабати билан республикамиз аҳолиси иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда қийин аҳволга тушиб қолди. Бунга ҳар бир онла аъзоси, ҳар бир меҳнаткаш кундалик ўз ҳаё-

тида кўриб, сезиб турибди. Лекин биз бунинг мажбурий ҳолат эканлигини тушуниб етмоғимиз керак. Бозор иқтисодиётига ўтмай туриб ривожланиш йўлига туша олмаймиз. Эскича яшайверсак иқтисодиётимиз яна ҳам чуқурроқ таъназулга юз тутганини, республикамизда бор бўлган ҳамма бойликлардан маҳрум бўлиб қолишимизни яхши англаб етмоғимиз лозим.

Тарихдан яхши маълум, халқимиз бундан ҳам оғир йилларни бошидан кечирган, қийинчиликларни баҳамжиҳатлик билан мардондор туриб енгган. Ҳозирги оғир дамлар ҳам унут бўлишга, халқимиз рўшнолик кўришга, яхши кунлар кулиб боқишга имовимиз комил, иншоолло.

Республикамиз Президентини ва ҳукумати бозор иқтисодиёти шароитида халқимизни қутқилмаган зарбалардан асраш учун энг аввало кам таъминланган онлаларни, нафақахўрлар ва талабаларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Озиқовқат маҳсулотларининг энг

муҳим турларига чегараланган нархлар қўйилди. Иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар оширилди. Ички бозорни ҳимоя қилиш учун купонлар жорий этилди. Кўпгина молларнинг нархи қўшни республикалардаги нархлардан анча арзон қилиб белгиланди.

Шунга қарамай маълум давр оғир кунларни бошдан кечиринишга мажбурмиз. Бунинг очиқ айтишимиз керак.

Қийинчиликларни енгиш учун эса янада жипсашмоғимиз, аҳил ва иноқ бўлиб ҳаракат қилмоғимиз лозим. Жонажон республикамиз мустақиллигини амалда таъминлаш ишига ҳар биримиз шахсий ҳисса қўшмоғимиз, ақл-идрок билан иш юритмоғимиз даркор.

Халқимизда эл бошига иш тушса этик билан сув кечар, от бошига иш тушса сўлиғ билан сув ичар деган нақл бор. Шундай қийин дамларда ким сув кечаяпти, ким ўзини панага олиб сохта ватанпарварлик қилаяпти — барчаси халқимизга аён бўлмоқда. Талабалар шаҳарчасида рўй берган воқеаларни сохта ватанпар-

вар ва халқпарварларнинг қора иши деб биламиз. Улар ўз жирканч ниятларини амалга ошириш йўлида беғубор қалбли ёшларни қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатларга гиж-гижладилар. Бунинг оқибатида қон тўкилди, одамлар жабрланди, халқ мулкни совурилди.

Биз Фарғона, Қўқон, Бўка, Паркент воқеаларининг яна такрорланишини истамаймиз. Ушша воқеалар халқимиз юрағида бир умрга ўчмас доғ бўлиб қолди. Бу доғни ҳеч нима билан ювиб бўлмайди. Биз яна қон тўкишга уриниб, ёшларни тўқнашувларга бошлаган галамисларнинг ҳатти-ҳаракатларини қаттиқ қоралаймиз. Ҳуқуқни муҳофаза этиш ва адлия органларидан тартибсизликларнинг ҳақиқий сабабчиларини тўла аниқлаб, айбдорларни қонун йўли билан қаттиқ жазолашларини талаб қиламиз. Токи бу жазо халқимиз тинчлиги ва осойишталигини бузишга уринувчи, аҳоли ўртасида турли хил низолар келтириб чиқарувчи бузғунчилар учун бир умрга сабоқ бўсин.

Вилоятимизнинг азиз аҳолиси! Дўстлар, биродарлар! Биз сизларга мурожаат этамиз. Эл бошига тушган қийинчиликларни енгиш йўлида тинчлик ва осойишталик биз учун сув билан ҳаводек зарур. Ивogarлар ва сафсатабозлар сўзига учмай, уларга қаттиқ зарба берайлик. Фақатгина ҳалол меҳнатимиз билан тангликдан тезроқ чиқиб олишимиз, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини таъминлаб беришимиз мумкин. Фақатгина қонунларга риоя этган ҳолда биз ривожланаётган давлатлар қаторига қўшилишимиз мумкин. Бунинг ватанпарварлик туйғусига эга бўлган, ўз миллатини, халқини, юртини севадиган, сўзда эмас, амалда давлат мустақиллиги учун курашаётган ҳар бир киши юракдан ҳис этмоғи керак. Келинлар, биродарлар, серкуёш дийримишнинг гуллаб-яшнаши йўлида биргалашиб, ҳамкор, ҳамфикр бўлиб ҳаракат қилайлик. Мустақиллик йўлидаги ютуқларимизни кўриб дўстларимиз қалби қувончга тўлсин, душманларимиз бағри қулиб кул бўлсин. Истиқбол учун курашда, тинчлик ва осойишталикни таъминлашда аждодларимиз руҳи бизга мададкор бўлғай.

(Тошкент вилояти жамоатчилиги вакилларининг 1992 йил 24 январдаги йиғилишида қабул қилинган).



КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

«ДУБЛЬ IV» (Москва)

- 8.00 Хабарлар.
- 8.20 Ишбилармон кишилар даври.
- 9.20 Италия тили.
- 9.50 Ишдан бўш пайтингида. «Балиқ белгиси билан».
- 10.05 Рус маданияти ҳақида суҳбатлар.
- 10.50 Видеофильм.
- 11.45 Москва «Современник» театрининг оддий иш кунлари ва байрамлари.
- 13.30 «Большая Никитскаядаги қиш орзулари» * * *
- 16.00 Болалар соати (француз тили дарси билан).
- 17.00 «Севги ирори».
- 17.15 Менеджерлар мактаби.
- 17.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
- 18.00 Хабарлар.
- 18.25 «Қирралар». Бадий-публицистик кўрсатув.
- 19.10 «Сиз яратган бог».
- 19.40 Хужикатли фильм.
- 19.50 «Россия билан юзма-юз».
- 20.05 Ишдан бўш пайтингида. «Хонадонингиздаги гуллар».
- 20.20 «Ҳар кун байрам».
- 20.30 Менга сўз беринг. И. Тагизода.
- 20.45 Телефильм.
- 20.55 «Зиё таратувчилар». Хужикатли фильм.
- 22.00 Хабарлар.
- 22.20 «Восток» банки.
- 22.25 «Бешинчи гилдирак». Бадий-публицистик кўрсатув.
- 00.10 Тоғ чанги спорти бўйича жаҳон кубоги.

Душанба, 27. I

УзТВ I

- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 18.10 «Филча ва мактуб», «Қўшнилари». Мультфильмлар.
- 18.30 Болалар учун. «Биргаликда куйлаймиз».
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
- 19.15 «Тил—дил таржимони».
- 20.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 20.10 Экран таништилади. «Ўзбектелефильм» студиясида суратга олинган «Юртимнинг азиз сиймолари» фильми ҳақида.
- 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 21.20 «Сиз кутган дақиқалар». Адабий-муслиқий кўрсатув.
- 22.40 «Олтин бешик».

00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

- 18.30 «Ўтмишсиз келажак йўқи».
- 19.15 Концерт.
- 19.45 «Билиб қўйган ахши».
- 20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
- 20.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
- 20.25 «Зиёкор».
- 21.05 «Яна купон ва нарх-наво ҳақида».
- 22.05 «Дўст». Бадий фильм.
- 23.25 «Лаҳза». Хабарлар.

«ОРБИТА IV» (Москва)

- 6.00 «Тонг».
- 8.35 «Фавкуллода ҳодиса».
- 9.35 Халқ куйлари.
- 9.50 Турли мамлакатларнинг эртақлари ва афсоналари.

- «Ҳайкирик» (Ҳиндистон).
- 9.55 «Прелюдия». Телефильм.
- 10.20 «Уорнер Бразерс» компанияси (АҚШ) кўрсатувлари. «Наполеон ва Жозефина». Телевизион бадий фильм. 1-қисм.
- 11.45 Мультфильмлар.

12.00 Янгиликлар.

- 14.10 «Телемикст».
- 14.55 «Ён дафтар».

- 15.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
- 15.25 «Бу бўлган, бўлганди...».
- 15.40 «Криминал талант». Телевизион бадий фильм. 1-серия.

- 16.45 «Истеъдодлар ва муҳлислар».
- 18.00 Янгиликлар.
- 18.20 «Туманлар, кўллар ва

аньаналар мамлақати» (Шотландия).

- 18.55 Футбол шарҳи.
- 19.25 «Келажак ҳақида хотираларми!». Телефильм премьераси («Экран», «ВИД»).

- 19.50 «Уорнер Бразерс» компанияси (АҚШ) кўрсатувлари. «Наполеон ва Жозефина». Телевизион бадий фильм. 1-қисм.
- 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

- 21.00 Янгиликлар.
- 21.20 «Муаллифлар ойнажасони».

- 22.15 «Уорнер Бразерс» компанияси (АҚШ) кўрсатувлари. «Лов этиб...». Телевизион бадий фильм.
- 23.45 «Рақслар, рақслар...». Днепрпетровскдан кўрсатилади.

Сешанба, 28. I

УзТВ I

- 8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 8.20 «Ота ўғиллар». Телефильм.
- 8.50 Такрорий фильмлар экрани. «Жар». Бадий фильм. 1-серия.
- 10.05 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 18.10 «Мушукча ва канарейка», «Тушлик». Мультфильмлар.
- 18.25 «Санъат — қалб осмони». Мусаввир Раҳим Аҳмедов билан мулоқот.
- 18.55 «Спортлото».
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
- 19.15 «Чорраҳа».
- 20.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 20.10 «Чашма». Халқ ижодиоти.
- 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 21.20 «Кино усталари». Суйменкул Чўқморов.
- 22.40 Рустам Бойтўра. «Яра-

ланган қуш ҳамон учмоқда». Видеофильм.

24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II Уқув кўрсатувлари

- 10.30 Физика. Нильс Бор постулотлари.
- 11.00 «Турналар». Телефильм.
- 11.30 Жугрофия. Дунё океанлари.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

- 18.30 Болалар учун фильмлар: «Чўртан балиқ амри билан», «Нижегород садолари».
- 19.15 «Бозор иқтисодиёти остонасида». Рейд.
- 20.00 «Пульс». Хабарлар.
- 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
- 21.30 «Ишбилармонлар учрашувлари».
- 21.50 «Пульс». Хабарлар.
- 22.00 «Кинонигоҳ».

«ОРБИТА IV» (Москва)

- 6.00 «Тонг».

- 8.35 «Истеъдодлар ва муҳлислар».
- 9.50 Футбол шарҳи.

- 10.20 «Уорнер Бразерс» компанияси (АҚШ) кўрсатувлари. «Наполеон ва Жозефина». Телевизион бадий фильм. 2-қисм.
- 11.20 Мультфильмлар.

- 12.00 Янгиликлар.
- 12.20 Ритмик гимнастика.
- 12.50 МТнинг олтин жамғармасидан. СССР халқ артисти М. Жаров.
- 13.55 Б. Сметана. «Либуше» операсига увертюра.
- 14.05 «Дўстлар». Мультфильм.
- 14.20 Биржа янгиликлари.
- 14.35 «Бу сизга керакми?».
- 14.45 «Савдо растаси».

- 15.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
- 15.20 Узоқ умр кўриш учун. Даволаш муолажаси.
- 15.35 «Криминал талант». Телевизион бадий фильм. 2-серия.
- 17.00 «Чемпионлар билан биргаликда».

- 17.15 «Болалар муслиқий клуби».

- 18.00 Янгиликлар.
- 18.20 Саҳна ортидан. «Табасум билан».
- 18.40 Мультфильмлар.
- 19.10 «Проқ» — бизнес ва сиёсат».
- 19.45 «Уорнер Бразерс» компанияси (АҚШ) кўрсатувлари. «Наполеон ва Жозефина». Телевизион бадий фильм. 2-қисм.
- 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

- 21.00 Янгиликлар.
- 21.20 «Уорнер Бразерс» компанияси (АҚШ) кўрсатувлари. «Уша ердалигимда». Бадий фильм.
- 23.30 «Юлдузлар ёмғири». Муслиқий дам олиш томошалари.

- 01.00 «Криминал талант». Телевизион бадий фильм. 1-серия.

«ДУБЛЬ IV» (Москва)

- 8.00 Хабарлар.
- 9.05 Француз тили. 2-йил шуғулланётганлар учун.
- 9.35 Болалар соати (француз тили дарси билан).
- 10.35 «Овунчоқлар». Қўғирчоқ спектакли.
- 11.15 «Бешинчи гилдирак». Бадий-публицистик кўрсатув.
- 13.00 «Очигини айтганда».
- 13.30 Антёр ва коллекционер Л. Горелик.
- 16.00 Экстрасенсор тиббиёт муаммолари.
- 16.30 «Простор».
- 17.00 Тоғ чангиси. Жаҳон кубоги.
- 17.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
- 18.00 Хабарлар.
- 18.25 Хужикатли фильм.
- 18.35 «Ҳар кун байрам».
- 18.45 «Уч разведка полковниги». Пенъовский ҳақида.
- 19.00 Жамоатчилик фири.
- 19.50 «Тай-брейк». Теннис шарҳи.
- 20.25 Информацион программа.
- 20.55 Ишдан чопар.
- 21.10 «АВ журнал».
- 22.00 Хабарлар.
- 22.25 С. Губайдулина асарларидан концерт.

Чоршанба, 29. I

УзТВ I

- 8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 8.20 «Ортиқ Отажонов куйлайди». Фильм-концерт.
- 8.45 Такрорий фильмлар экрани. «Жар». Бадий фильм. 2-серия.
- 9.50 «Ешлик» студияси саволларингизга жавоб беради.
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 18.10 «Қизча ва қуёнлар». Мультфильм.
- 18.20 «Фикрлар тўқнашганда...».
- 18.40 «Ватандан йироқда...». Комил Андижоний.
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
- 19.15 «Хазина». Муҳаммад ал-Хоразмий.
- 19.50 «Оддий кун». Манзарали фильм.
- 20.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 20.10 Сиёсий мулоқотлар. «Муносабат».
- 20.40 «Бутун умр давомида». Телефильм.
- 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

24.20 «Хотира гулшани». Ботыр Зокировни эслаб.

23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II Уқув кўрсатувлари

- 10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
- 11.00 «Ешлигим қўшиқлари». Фильм-концерт.
- 11.30 Ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқ асослари.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

- 18.30 «Уолт Дисней таништирадими...». Мультфильмлар тўплами.
- 19.20 «Суҳбатга чорлаймиз».
- 20.20 «Муслиқий меҳмонхона».
- 20.50 «Ижод қувончлари ёки кичик фожиялар».
- 22.10 «02» тўлқинида.

«ОРБИТА IV» (Москва)

- 6.00 «Тонг».
- 8.35 «Болалар муслиқий клуби».
- 9.20 «Мен сизни севардим...». А. С. Пушкин шеърлари.

- 9.50 «Уорнер Бразерс» компанияси (АҚШ) кўрсатувлари. Телевизион бадий фильмлар: «Мэрфи Браун», «Наполеон ва Жозефина». 3-қисм.
- 11.15 «Масхарабозлар».

- 12.00 Янгиликлар.
- 12.20 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин!».
- 4-кўрсатув.

- 12.35 «Оқим». Телефильм.
- 12.50 Лариса Трухина билан учрашув.
- 13.20 «Ухшаш дунёлар».
- 14.05 «Ён дафтар».
- 14.15 «Телемикст».

- 15.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
- 15.20 В. А. Моцарт қўшиқлари ва ариялари.
- 15.50 «Воспитачи». Уч серияли телевизион бадий фильм. 1-серия.
- 17.05 «Эсдан чиққан туғилган кун». Мультфильм.
- 17.15 «Бир кун эски шаҳарда». Қўғирчоқ спектакли.

- 18.00 Янгиликлар.

- 18.20 Симфоник оркестр чалади.
- 18.40 «Бозор қонунларига бинозан».
- 19.20 «Уорнер Бразерс» компанияси (АҚШ) кўрсатувлари. Телевизион бадий фильмлар: «Мэрфи Браун», «Наполеон ва Жозефина». 3-қисм.
- 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

- 21.00 Янгиликлар.
- 21.20 «Фермата». Ахборот муслиқий кўрсатуви.
- 21.45 «Уорнер Бразерс» компанияси (АҚШ) кўрсатувлари. «Почтачи икки бор қўғирчоқ чалади». Бадий фильм.
- 23.40 «Цфасмани эслаб».
- 00.40 «Криминал талант». Телевизион бадий фильм. 2-серия.

«ДУБЛЬ IV» (Москва)

- 8.00 Хабарлар.
- 8.20 Немис тили. 1-йил шуғулланётганлар учун.
- 8.50 Ишдан бўш пайтингида. «Паррандалар биз билан йна-ён».
- 9.05 Немис тили. 2-йил шуғулланётганлар учун.
- 9.35 «Ташвиш ва умидлар». А. Сахаров. 1-серия.
- 10.35 П. И. Чайковский номли танлов совриндорлари уюшмасининг концерти.
- 11.35 Санкт-Петербургда биринчи марта Э. Рязанов китоби таништирилади.
- 12.10 М. Арцибашев. «Душманлар». Телеспектакли.
- 16.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
- 17.00 «Хулқ-атвор».
- 17.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
- 18.00 Хабарлар.
- 18.25 Россиянинг парламент хабарномаси.
- 18.40 «Узоқ Шарқ». Телекўрсатуви.
- 19.25 Россияда хусусийлаштириш.
- 19.40 «Олимпия ташвишлари».
- 20.20 Ишдан бўш пайтингида. «Коллекционер».
- 20.35 «Ҳар кун байрам».
- 20.45 Бутун олам — театр. «Соло».
- 21.30 К. Мажеяна. НАТОдан репортаж. «Американинг оптичи флотиди». 1-қисм.
- 22.00 Хабарлар.
- 22.20 «Восток» банки.
- 22.25 Гитарачи Пепо Ромеро концерти (Испания).
- 23.10 «Александр Новиковнинг қора ва оқи».
- 23.50 «Осийштални».

Пайшанба, 30. I

УзТВ I

- 8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 8.20 «Қиш манзаралари». Кинопрограмма.
- 9.00 Такрорий фильмлар экрани. «Вонг хонимнинг сирин». Бадий фильм.
- 10.25 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга минг танга».
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 18.10 «Саҳий ўрмон». Мульт-

фильм.

- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
- 19.15 Наманган ёшлари ижросида концерт.
- 20.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 20.10 «Жума оқшони». Диний-маърифий кўрсатув.
- 20.50 «Бухоро қоракўли». «Ўзбектелефильм» премьераси.
- 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 21.20 «Наби Ганиев. Ижод зақи ва машаққати». Кинокўрсатув.

«ОРБИТА IV» (Москва)

- 23.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Чархпалак».
- 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

- Уқув кўрсатувлари
- 10.30 ЭҲМ ва информатика асослари.
- 11.00 «Отин ким эркалайди». Телефильм.
- 11.35 Ўзбекистон халқлари тарихи. Феодал давлатларнинг ташкил топиши.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

- 18.30 «Муз устиди». Телефильм.
- 19.00 «Бу оқшомда».
- 20.00 «Пульс». Хабарлар.

- 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми.
- 21.30 «Юнитех интернейшл» таништилади.
- 22.00 «Пульс». Хабарлар.
- 22.10 «Кинонигоҳ».

«ОРБИТА IV» (Москва)

- 6.00 «Тонг».
- 8.35 «Бир кун эски шаҳарда». Қўғирчоқ спектакли.
- 9.20 Мультфильмлар: «Бремен созандалари», «Бремен созандалари изидан», «Бармоқлар нега аразлашиб қолшди?», «Қузги баллиқ ояни».
- 10.15 «Чемпионлар билан биргаликда».

- 10.30 «Уорнер Бразерс» компанияси (АҚШ) кўрсатувлари. Телевизион бадий фильмлар: «Ажиб мусофирлар», «Наполеон ва Жозефина». 4-қисм.

- 12.00 Янгиликлар.
- 12.20 «Инсон институти».
- 13.00 «Инсон ва қонуни».
- 13.40 М. Плетнёв концерти.
- 14.10 «Телемикст».
- 14.55 «Ён дафтар».

- 15.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].

(Давоми 7-бетда).

СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН!



ТАБИАТ ВА ИНСОН

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚҮМИТАСИ НАШРИ

ФАОЛИЯТИМИЗ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРАМИЗ

ПОИТАХТ вилоятимизда табиатни муҳофаза қилиш бўйича вилоят қўмитаси ташкил этилганидан бери салкам уч йил ўтди. Шундай қўмиталар 7 та шаҳар ва 15 та ноҳияда ҳам ташкил этилди ва ишлаб турипти. Улар олдида катта ва масъулиятли вазифалар қўйилган. Ходимларимиз корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар томонидан табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги бажарилиши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан назорат олиб боришлари лозим.

Саноатнинг кўпгина тармоқлари, чунончи, кимё, металлургия, машинасозлик, энергетика, кўмир, кончилик соҳаларида табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг бажарилишини муттасил кузатиб бораёلمиз. Бу тармоқлар корхоналарида жумҳуриятимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг салкам 40 фоизи тайёрланмоқда.

Бундан ташқари, вилоятимизда ҳар йили 700 миллион сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишларини амалга оширувчи бинокорлик ташкилотлари ишлаб турипти. 50 мингтадан ортиқ давлат автотранспорт воситалари ва 90 мингтадан ортиқ шахсий автомобиллардан фойдаланилмоқда. Ҳар куни жумҳуриятимиз, бошқа мустақил давлатларнинг минглаб автомобиллари вилоятимиз ҳудудидан ўтади.

Саноат ишлаб чиқаришнинг бунчалик зич марказлашганлиги атроф-муҳитга салбий таъсир қилмоқда. Шунини айтиш кифояки, ҳар

йили атмосфера ҳавосига 450 минг тоннадан ортиқ зарарли моддалар чиқаришмоқда. Биргина автомобиль транспорти чиқараётган чиқиндилар 300 минг тоннадан кўпроқни ташкил этмоқда. Бундай манбалар, айниқса, вилоятимизнинг йирик саноат шаҳарлари — Ангрен, Олмалик, Оҳангарон, Чирчиқ, Бекободда кўп жойлашган. Уларда ҳавонинг ифлосланиш даражаси йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдордан ошиб кетмоқда. Кўпгина корхоналарда чанг-тутунни ушлаб қолувчи қурилмалар ҳам маънавий, ҳам жисмоний эскирган, самарасиз ишламоқда. Технологик тартиб бузилади. Бу зарарли моддаларни атмосферага, ҳатто бир йўла кўплаб чиқарилишига олиб келмоқда.


Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун шаҳарлар ва ноҳияларни ривожлантиришнинг режалаштириш вақтида уларнинг экологик аҳволини ва келажакда қай даражада бўлишини ҳисобга олишни талаб этади. Шунга мувофиқ саноат корхоналари ва ташкилотлари олдида вазифалар қўйилган. Шу талабга риоя этиб, 1996 йилгача корхоналар томонидан ҳавога чиқариладиган зарарли моддалар миқдорини белгиланган норма даражасигача камайтириш зарур.

Бу талабдан яқин икки беш йилликда ҳал қилиниши лозим бўлган қўйидаги вазифалар келиб чиқади. Илғор технологияларни жорий қилиш асосида эскирган ишлаб чиқаришларни

қайта қуриш, уларни самарали газ тозалагичлар ва чанг ушлаб қолувчи асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш лозим. 1996 йилгача доимий манбалардан атмосферага зарарли моддаларнинг чиқилиши умуман 20 фоиз, автотранспорт воситаларидан чиқилиши 10 фоиз камайтиришга эришиш лозим. Олмалик кон-металлургия комбинатида кислород-шуъла усулида металл эритиш қурилмаси ишга туширилиши билан зарарли моддаларни атмосферага чиқариши 45—50 минг тоннагача камайтириш режалаштирилмоқда. Шунда бундай моддаларни ҳавога чиқариш нормаларига эришилган бўлади.

Шуни таъкидлаш кераки, сўнгги вақтларда вилоятимиз корхоналари, ташкилотлари ва хўжаликлари табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолдилар. Бунинг учун ажратиладиган маблағ миқдори йилдан-йилга кўпаймоқда. Бироқ бинокорлик ташкилотлари қувватининг етишмаслиги бу маблағларни тўла ўзлаштириш имконини бермапти. Шу муносабат билан мен вилоят ҳудудда табиатни муҳофаза қилиш ишларини амалга оширувчи ихтисослашган йирик қурилиш трестини ташкил этиш масаласи турганлигини таъкидламоқчиман. Айни вақтда эски заводлардан бирини бу тармоқ эҳтиёжлари учун постандарт асбоб-ускуналарини тайёрлашга мослаштириш лозим.

(Давоми 4-бетда).



● ОХАНГАРОНДАГИ цемент ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Сантехлит» заводи атроф-муҳитни ифлослантиришда давом этмоқда. Тўғри, бу ерда экологик аҳволи яхшилашга қаратилган айрим чора-тадбирлар кўриляпти. Лекин улар етарли эмас. Шунинг учун ишлаб чиқариш майдонлари ҳамон саранжом-сарипта эмас, дудбўронлардан эса ҳавога бурқсиб тутун чиқиб ётади. Ушбу суратларда ҳам шундай манзара акс этиб турибди.



МАКТАБДАН БОШЛАНГ

Экологик тарбиянинг аҳамиятини эндиликда таъкидлаб ўтирмасам ҳам бўлади. Уни ҳамма эътироф этмоқда. Чунки табиатимиз аҳоли тобора ёмонлашиб бормоқда. Бу асосан экологик тушунчанинг йўқлиги ёки етарли эмаслиги оқибатида содир бўлмоқда.

Шундай тарбияни ҳар томонлама кенгайтириш давр талаби бўлиб қолди. Бу ишни эса болалар боғчалари, мактаблардаёқ бошлаш керак. Чунки ёшлиқдан тарбияланса ўғитлар бир умрга муҳрланиб қолади. Табиатни тушунириш бўйича камдан-кам ўтилаётган дарслар, машғулотлар билан асло чекланмаслик лозим. Бизнингча, мактабларда махсус экологик таълимни жорий қилиш керак. Бу билан ёшларнинг экологик билиминини оширишга эришилган бўларди, албатта.

Айни вақтда шундай фан бўйича дарс берадиган муаллимларни тайёрлаш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Бунинг учун олий ёки ўрта махсус ўқув юр்தларида шу соҳа бўйича махсус бўлимлар очиб мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шундагина бу муҳим ишда сезиларли силжишга эришиш мумкин, деб ўйлайман.

Т. ИУЛДОШЕВ,

Пискент ноҳиясидаги 28-ўрта мактаб ўқитувчиси.

● Муштарий мулоҳаза юритади

УВОЛ ЭМАСМИ?

ПОИТАХТ шаҳринида кўчаларни кенгайтириш мақсадида уларнинг ўртасига бир вақтлар экилиб, эндиликда яшнаб, об-ҳаводаги заҳарли моддаларни ютиб, тозалаб бераётган неча йиллик дарахтлар илдири билан қўпориб ташланяпти. Катта йўллар четларига экилганларининг кўча томонга қараб ўсган шохлари кесилмоқда. Бошқа жойларни билмайману, «Марказ-4», «Марказ-5», «Марказ-6» каби даҳалардаги манзарали дарахтлар шамолда синиб ёки қуриб қолса ўзи ҳам, шохлари ҳам кесиб ташланяпти.

Лекин кесилган дарахтлар ва уларнинг шохлари вақтида олиб кетилмайди. Жуда нари борса ҳар қаер — ҳар қаерда уюлиб-уюлиб ётаверади. Қўпича шу ернинг ўзида ёқиб юборилади. Бу зарарқуналиқнинг ўзи эмасми?

Биринчидан, ёнганида теваарак-атрофга тутун тарапти, шундоқ ҳам заҳарли моддалари миқдори ноумтадагидан кўп бўлган ҳавони булғатади. Демак, бу ерларда истиқомат қилувчилар саломатлигига путур ет-

казади. Шох-шаббаларни тайёрлаб, ҳали газ билан таъминланмаган аҳоли манзилгоҳлари, қишлоқларга етказиб берилса яхши бўларди. Шох-шаббалардан қоғоз ишлаб чиқаришда фойдаланса бўлмасмикин. Ахир ҳозир у катта муаммо бўлиб турибди-ку! Битта йирикроқ дарахтдан олтинчи килограмм атрофида қоғоз олса бўлади, дейишпади.

С. СУЛТОНОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи муҳбири.

БИЛИБ ҚҲЙГАН ЯХШИ

Мутахассислар кейинги юз йил ичида ҳавонинг қайси заҳарли моддалар билан қандай миқдорда булғатилганини тахминий ҳисоблаб чиқдилар. Шу ҳақда айрим рақамларни келтирамиз, хулоса чиқариш эса ўзингизга ҳавола қилинади.

● Бир аср давомида инсоният фаолияти билан боғлиқ бўлган турли ишлар оқибатида 240 миллиард тонна кислород йўқ қилинди.

● Ҳавога чиқарилган биргина тутун-ис 360 миллиард тоннага ташкил этди.

● Ишлаб чиқариш жараёнида ҳавога энг кўп тарқалган моддалардан бири кремний 1,35 миллион тонна, ниҳоятда заҳарли маргумуш эса 1,5 миллион тоннага етди.

● Ҳавога тарқалган рух ва сурма каби металллар миқдори олти юз минг тонна атрофида бўлди.

● Муштарий таклиф этади

ҚАНИ У ТЎҚАЙЗОРЛАР

БИР ВАҚТЛАР тўқайзорлар она табиатимизнинг ажралмас қисми ҳисобланарди. Бизнинг пойтахт вилоятимизда катта-кичик дарёлар ва улардан оқиб чиқиб пайдо бўлган табиий ҳовулар — кўлмаклар атрофида неча гектарлаб майдонни эгаллаган тўқайзорлар, қамишзорлар бўларди. Уларнинг ўзига яраша ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ҳам бор эди. Айниқса, қамишлар ва толлар ўриб олиниб, улардан бордонлар, бўйралар ишлаб чиқиларди, турли стол-ўтиригичлар, саватлар ва бошқа шу каби

рўзгор учун зарур буюмлар тайёрланарди.


Экин майдонлари кенгайтирилавергач, тўқайзорларга ҳам ҳужум бошланиб кетди. Вилоятимизнинг қатор туманларидаги бундай жойлардан асар ҳам қолмади. Улар билан бирга ҳайвонлару паррандалар ҳам тамомила йўқ бўлиб кетди. Табиатнинг безағи ҳисобланган тустовуқлар, ғозлар, ўрдаклар, тувалоқлар, беданалару булбуллар ва бошқа шу каби турли хил паррандалар ҳам бошқа ёқларга бош тортиб кетди. Бу табиатимизни қаш-

шоқлашишга олиб келган сабабларнинг бири бўлди, дейиш мумкин.

Эндиликда бу муаммо ҳақида ҳам бош қотирадиган вақт келди. Табиий тўқайзору қамишзорларнинг сақланишини таъминлаш лозим. Улар ҳам табиатнинг бир инъоми. Шундай бўлгач, бўлар-бўлмагач уларни нобуд қилмайлик. Табиат ошиғи сифатида анчадан бери кўнгилмга туғиб қўйган шу фикрни, азиз рўзномагонлар, сизлар билан ўртоқлашгим келди.

А. МАВЛОНОВ,
ўқитувчи.

ЯШАШ
УЧУН
КУРАШ



● Қишлоқ тонги ●



ДИНОЗАВР ИЗЛАРИ

Жанубий Корея археологлари кейинги вақтларда Кيونгсанган-до вилоятидаги соҳил бўйи районларига катта эътибор берадиган бўлиб қолдилар. Бу ерда қадимги динозаврлар ва қушларнинг жуда кўп излари аниқланди. Ушбу суратда шу вилоятда яшаган динозаврларнинг излари.

(ТАСС фотохроникаси).

АЖОЙИБ МОСЛАМА

Бу кичик корхона ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин унинг ўз соҳасининг бидимдон мутахассислари, муҳандислари ва техникларидан ташкил топган жамоаси гидрогеология ишларининг турли соҳаларида фойдаланишга мўлжалланган анжомлар ихтиро қилиш ва уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга улгурди.

Бу «ГеоэкоТест» кичик корхонаси «Ўзбекгидрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналари ва ташкилотлари ишига ёрдам берувчи қатор қурилмаларни чиқара бошлади. Уларнинг аксарияти атроф-муҳит ифлосланишини аниқлашга ҳам ёрдам берапти. Шундай янгиликлардан бири КСН—90 йиғмасидир. Уни ер ости сувларининг нефть

маҳсулотлари билан ифлосланиш даражасини аниқ билиш учун фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги вақтда ер ости сувларимиз бошқа чиқиндилар қатори нефть маҳсулотлари билан ҳам тобора кўпроқ буғланаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Унинг даражасини аниқ билиш учун бундай мослама йўқ эди. Эндиликда экологлар учун бу ишда яхши кўмакдош пайдо бўлди. Вуни табриклар керак.

Шуниси ҳам эътиборга сазоворки, бу мослама оддий бўлиб, фойдаланиш учун ҳам жуда қулай, унга хизмат қилувчининг махсус тайёргарлиги бўлиши ҳам талаб этилмайди. Шунинг учун ундан кенг фойдаланиш мумкин.

Н. ИВАШКЕВИЧ.

СУРАТЛАРИНГИЗНИ КУТИШАДИ

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ

1992 йИЛНИНГ 1—12 июнь кунлари Рио-де-Жанейрода Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳит ва ривожланиш (ЮНСЕД) бўйича конференцияси бўлиб ўтади. Худди шу йили ВМТнинг атроф-муҳит бўйича Дастури — ЮНЕСП тузилганлигининг 20 йиллиги нишонланади. ЮНЕСП 5 июнда тузилган эди. Шундан бери бу кун ҳар йили бутунжаҳон атроф-муҳит муҳофазаси кунли сифатида нишонланамоқда. Худди шу кун бундан деярли йигирма йил илгари ВМТнинг инсониятни ўраб олган муҳит бўйича Стокгольм конференцияси ЮНЕСПни ташкил этиш бўйича қарор қабул қилган эди. Утказиладиган конференция кишилар ва ҳукуматларнинг бизни ўраб олган атроф-муҳитни келажак авлодларга яхши сақлаган ҳолда етказиб бериш учун

келишинининг сўйғи имконияти бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бу анжуманда муҳокама қилинадиган масалаларга эътиборни қаратиш мақсадида ЮНЕСП бутун дунё сурат танловини ташкил этмоқда. «Бизнинг дунёмиз объектида» мавзун бўйича танловда қатнашишга жаҳоннинг барча ёшдаги ва миллатларга мансуб бўлган, сураткашликни касб қилиб олганлар ва ҳаваскорлар таклиф этилади. Голиб чиққан суратлар бутун дунё бўйлаб ўтказиладиган кўчма суратлар кўргазмаларида намойиш этилади. Бу жаҳон миқёсида атроф-муҳит мусаффолиги масалаларини чуқур аниқлаш имконини беради. Танловда яхши баҳо олган суратлар ЮНЕСПнинг сурат кутубхонасига берилади.

Суратларингизни кутамиз. Уларни қуйдаги манзилга юборишингиз мумкин:

Москва, Халқаро лойиҳалар маркази, 107078, 438-почта қутиси. Танловга материалларни 1992 йилнинг 29 февралигача юборишингиз мумкин. Материаллар-слайдларни ёки суратларни ЮНЕСП халқаро сурат танловида иштирок этиши учун талабнома юборинг, унда қуйдаги маълумотлар ақс этирилиши лозим: сураткашликнинг исми, отасининг исми, фамилияси, жинси, ёши (туғилган йили, миллати, касби ёки ҳаваскор экинлиги, манзили, телефони, телефакси, шунингдек, суратнинг номи, олинган вақти ва жойи, фото аппарат маркаси).

М. ҲАМИДОВ.

«Табиат ва инсон» саҳифаларидаги мақоаларни вилоят табиати муҳофазаси қилиш қўмитасининг фан-техника тараққиёти ва тарғибот бўлими ходимлари ҳамда «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари тайёрлашган.

АТРОФ-МУҲИТ
МУАММОЛАРИ
ЮЗАСИДАН

ҚАЕРГА

МУРОЖААТ

ҚИЛИШ КЕРАК?

(Давоми. Боши 5-бетда).

Раиси Холиқова Мўхтар Ориповна.
Ғалаба — 256, 72-207, 72-505, Солдатск қўргони, ноҳия ижроия қўмитаси биноси.

Раиси Орифонов Талъат Анварович.

Калинин — 297, 52-263, 74-96-68, Калинин қўргони, ноҳия Кенгаши биноси.

Раиси Саидов Жаҳонғир Набиевич.

Юқори Чирчиқ — 298, 31-817, Янгибозор қўргони, Ленин кўчаси, 4-уй.

Раиси Турсунхўжаев Озод Саъдуллаевич.

Қибрай — 64-20-54, Қибрай қўргони, ноҳия Кенгаши биноси.

Раиси Султонов Алишер Анорбоевич.

Паркент — 272, 22-291, Бойқозон кўчаси, 43-уй.

Раиси Аширбоев Маъмурбой.

Пискент — 254, 52-766, Ленин кўчаси, ноҳия Кенгаши биноси.

Раиси Қодиров Асқар Соппович.

Урта Чирчиқ — 276, 21-363 Тўйтепа шаҳри, Ленин кўчаси, 90-уй.

Раиси Қаҳҳоров Дилшод Тошўлатович.

Тошкент — 296, 53-237, 56-727, Келес қўргони, Ленин кўчаси, шаҳар ижроия қўмитаси биноси.

Раиси вазифасини бажарувчи Хўжаев Собир

Чиноз — 259, 32-169, Ленин кўчаси, 24-уй.

Раиси Эргашев Баҳодир Турсунўлатович

Янгийўл — 260, 55-230, 76-088, Ниязбоши кўчаси, 27-уй.

Раиси Саидов Улуғбек Алматович.

Шалар воу т (Боши 2-бетда). 15.20 «Бугун ва ўша пайтларда...». 15.50 «Воситачи». Уч серияли телевизион бадий фильм. 2-серия. 17.05 Болалар учун фильм. «Театрдаги воқеа». 17.30 «Экономическая газета» соврини учун контактли каратз бўйича. 1-турнир. 18.00 Янгилликлар. 18.20 «Ҳаёт гўзал». Телефильм премьераси. 18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.25 «Уорнер Бразерс» компанияси [АҚШ] кўрсатувлари. Телевизион бадий фильмлар: «Ажиб мусофирлар», «Наполеон ва Жозефина». 4-қисм.

КҮРЯТ, ТОМОША ҚИЛИТ



20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилликлар. 21.20 «Уорнер Бразерс» компанияси [АҚШ] кўрсатувлари. «Оилли эркак». Телевизион бадий фильм. 21.45 «Криминформ» хабар қилади. 21.55 «Шеърят маскани». 22.45 «Эфирда мусиқа». 1 ва 2-қисмлар.

● «ДУБЛЬ IV» (Москва) 8.00 Хабарлар. 8.20 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 9.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 9.35 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 10.35 «Ташвиш ва умидлар». А. Сахаров. 2-серия. 11.35 «Мутлақо махфий». 12.30 Ташриф қоғози.

13.10 Хужжатли фильм. 13.30 Классик куйлардан концерт. 16.00 Деҳқонларга тааллуқли масала. «Иягинин ва Жалибин». 16.20 «Ишбилармон аёл». 16.50 Хужжатли фильм. 17.15 «Қирралар». Бадий-публицистик кўрсатуви. 18.00 Хабарлар. 18.20 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.35 «Россия билан юзма-юз». 18.55 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман!».

19.10 «Нота бене» студияси. 19.50 «Ҳар нуни байрам». 20.00 Махсус тижорат хабарномаси. 20.10 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 17-серия. 21.00 Мусиқий кўрсатуви. 21.25 «Муҳандислик насбига бағишлов». Урал тоғ илигоҳи. 22.00 Хабарлар. 22.25 «Бешичи гилдиран». «Тич уй». Бадий-публицистик кўрсатуви.

Жума, 31. I

23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби. ● УзТВ II АШХОБОД КҮРСАТАДИ: 17.05 Болалар учун. «Гуиша» [рус тилида]. 17.45 «Иқтисод ва ҳаёт». 18.30 «Замондошлар». 19.15 «Касаба уюшмалари ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш». 20.00 «Туркманистон» [рус тилида]. 20.15 Кичкинтойлар, сизлар учун. 20.30 «Халқ ҳокимияти». 21.00 «Туркманистон». 21.30 Туркманистон халқ артисти Нури Мухатовнинг ижоди. 22.10 «Ертикулоқ». Ҳажвий тележурнал. 22.40 «Табибнинг шогирди». Бадий фильм.

«Театрдаги воқеа». 9.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 9.40 Вивальди-оркестр чалади. 10.10 «Уорнер Бразерс» компанияси [АҚШ] кўрсатувлари. «Қора адолат». Телевизион бадий фильм. 11.00 «Юрагимда неки бўлса...». Фильм-концерт. 12.00 Янгилликлар. 12.20 «Саёҳатчилар клуби» [сурдо таржимаси билан]. 13.20 Мультфильмлар. 13.45 «Ён дафтар». 13.50 «Бридж». 14.15 Биржа янгилликлари. 14.45 «Бизнес-класс». 15.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан]. 15.20 «Ғолиблар». 16.05 «Воситачи». Уч серияли телевизион бадий фильм. 3-серия. 17.20 Мультфильмлар: «Кичкинтой ва Карлсон», «Карлсон қайтиб келди».

18.00 Янгилликлар. 18.20 «Инсон ва қонун». 19.05 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия. 19.35 Мультфильм. 19.50 «ВИД» таништиради: «Муъжизалар майдони». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилликлар. 21.20 «Уорнер Бразерс» компанияси [АҚШ] кўрсатувлари. «Қора адолат». Телевизион бадий фильм. 22.10 «ВИД» таништиради: «Мавзу», «Музобоз», «Шоубиржа», «Хит-парад».

10.05 Инглиз тили. «АҚШ онла альбому». 10.35 «Бешичи гилдиран». Бадий-публицистик кўрсатуви. 12.20 Ташриф қоғози. 13.05 «Исмиим нимани эслатади?». * * * 16.00 «Осойишталин». 17.00 «Простор». 17.30 Хужжатли фильм. 17.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.00 Хабарлар. 18.25 Деҳқонларга тааллуқли масала. «Оғир дамлар манзараси». 18.40 «Версия». Хусусий мулчиликка қарши жиноят. 18.55 Россиянинг хужжатли экрани. 19.35 «Русча стиль». 20.10 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 20.25 «Ҳар нуни байрам». 20.35 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 18-серия. 21.25 «Маски-шоу». 22.00 Хабарлар. 22.20 «Нота бене» студияси. 23.00 «Восток» банки. 23.05 Россиянинг парламент хабарномаси. 23.20 Концерт программаси. «Роллинг стоунз». 00.50 «Фитил»да тайёрланган.

● «ОРБИТА IV» (Москва) 6.00 «Тонг». 8.35 Болалар учун фильм.

15.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан]. 15.20 «Ғолиблар». 16.05 «Воситачи». Уч серияли телевизион бадий фильм. 3-серия. 17.20 Мультфильмлар: «Кичкинтой ва Карлсон», «Карлсон қайтиб келди».

● «ДУБЛЬ IV» (Москва) 8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.20 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман!».

10.05 Инглиз тили. «АҚШ онла альбому». 10.35 «Бешичи гилдиран». Бадий-публицистик кўрсатуви. 12.20 Ташриф қоғози. 13.05 «Исмиим нимани эслатади?». * * * 16.00 «Осойишталин». 17.00 «Простор». 17.30 Хужжатли фильм. 17.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.00 Хабарлар. 18.25 Деҳқонларга тааллуқли масала. «Оғир дамлар манзараси». 18.40 «Версия». Хусусий мулчиликка қарши жиноят. 18.55 Россиянинг хужжатли экрани. 19.35 «Русча стиль». 20.10 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 20.25 «Ҳар нуни байрам». 20.35 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 18-серия. 21.25 «Маски-шоу». 22.00 Хабарлар. 22.20 «Нота бене» студияси. 23.00 «Восток» банки. 23.05 Россиянинг парламент хабарномаси. 23.20 Концерт программаси. «Роллинг стоунз». 00.50 «Фитил»да тайёрланган.

Шанба, 1. II

20.10 «Кўшиқларнинг қаноти бор». Барот Исроилов шеърлари билан айтилаётган кўшиқлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 «Санъатимиз юлдузлари». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Феруза Солиҳова ва Элмурод Исмолов. 22.30 «Севгим менинг — андуҳим менинг». Бадий фильм. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

7.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 8.35 «Орол». Мультфильм. 8.45 Тонгги мусиқий кўрсатуви. 9.15 «НУЖ»: эълон қилинмаган ташриф. 10-кўрсатуви. 9.50 А. Скрябин таваллудининг 120 йиллигига. Л. Влащенко чалади. 10.20 «Қурья. Сибсатдан ҳоли қараш». 3-кўрсатуви. 10.45 «Ҳамдўстлик». 12.00 «Сиз бунга қодирсиз». 12.45 «ЭХ». Экологик хроника. 13.00 «Бойлар ҳам йнглайдилар». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси [Мексика].

ри. «Ҳаёт давом этади». Телевизион бадий фильм. 18.25 «Майя арисси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 18.50 «Бахтли тасодиф». 19.50 Мультфильмлар: «Пиймача», «Осонлик билан топилган нон». 20.00 «Янги йил кечаси. Сайланмалар». 1-қисм. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилликлар. 21.20 «Янги йил кечаси. Сайланмалар». 2-қисм. 22.35 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг». 01.35 «Романс жозибаси». Киноконцерт.

9.40 «Рангинкамон» (тожик тилида). 10.35 «Умид» (уйгур тилида). 12.00 «Бурда моден» таклиф этади...». 12.30 «Восионинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм. 1-серия. 13.00—15.50 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНЕСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ 13.00 «Ишонч меридианларида». 13.30 «Молодёжь Узбекистана» рўномасининг журналистлари — «Дустлик» студиясининг меҳмонлари. 14.00 «Дунё ва сибсат». 14.30 «Дустлар даврасида».

● УзТВ II БИШКЕК КҮРСАТАДИ: 18.00 Янгилликлар. 18.05 «Дангаса кўйлак». Мультфильм. 18.15 «Калемгер». 19.15 «Искандаркўл». Манзарали телефильм. 19.30 «Ала-тоо». 19.50 «Дастан» ассоциацияси каржилайт. 21.30 «Ала-тоо». 21.40 «Дастан» ассоциацияси каржилайт [давоми]. 22.00 «Кадр тун». ● «ОРБИТА IV» (Москва) 19.20 «Кино жавонидан». 20.05 «Бобораҳим Машраб». Теленовелла. [Таваллудининг 350 йиллигига]. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатуви. 22.30 «Гугуртга кетиб». Бадий фильм. 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● «ОРБИТА IV» (Москва) 8.00 Ритмик гимнастика. 8.30 «Спортлото» тиражи. 8.45 «Ўз-ўзингга ёрдам бер». 9.30 «Эрта сахарлаб». 10.10 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». Ҳажвий кўрсатуви. 10.40 «Тонг юлдузи». 11.30 «Александр Каверзнев. Бошга бало бўлган мавзу». 12.20 «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. «1991 йил венгер фольклори». 12.55 «Бойлар ҳам йнглайдилар». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси [Мексика]. 14.00 Мультфильм. 14.10 «Рок-сабоқ». 15.00 Янгилликлар. 15.15 Спорт рақслари бўйича Россия чемпионати. 15.55 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Бир чимдим туз» [Франция]. 16.00 «Саёҳатчилар клуби». 17.00 «Қайтди». Хужжатли фильм.

● «ДУБЛЬ IV» (Москва) 8.00 Хабарлар. 8.20 «Сиз яратган бог». 8.45 Қўли гул аёллар. 9.10 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи. 9.40—12.00 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНЕСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ фильм. 17.20 «Эфирда бевосита мулоқот». 18.00 «Уолт Дисней таништиради...». 18.50 «Телелочня». 19.00 Янгилликлар. 19.20 «Уорнер Бразерс» компанияси [АҚШ] кўрсатувлари. «Супермен». Бадий фильм. 21.45 «Инеко» ансамбли чалади. 22.00 «Янунлар». 22.45 Телевизион спорт кечаси. 24.00 Бизга номалум Россия. «Терра никогнита». 00.45 «Рус қиши» автораллиси.

15.50 «Чистие прудидаги уй». Р. Бинов марнази. «Қуриқча». Бадий фильм. 18.00 Хабарлар. 18.25 Познер ва Донахью. АҚШдан ҳафталик кўрсатуви. 19.20 «Ҳар нуни байрам». 19.30 «Мутлақо махфий». 19.35 «Татамла юз минг». 19.45 Мусиқий кўрсатуви. 20.30 «Н-2» таништиради. 21.30 «Н-2» студиясидан бевосита кўрсатуви. 22.00 Хабарлар. 22.25 «Жунатилмаган мактуб». Бадий фильм. 12.10 «Жентельмен-шоу». 12.50 Мультфильм. 13.00 «Телеассамблея». 14.00 Марказий Антёрлар уйда кулги кечаси. 15.45—19.00 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНЕСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ 15.45 «Умид ва муҳаббат билан». 16.40 «Калейдоскоп». 17.20 «Ғарбга саёҳат». Видеофильм. 21-серия (уйгур тилида, ХХР маҳсулот). 18.20 «Бурч» кўрсатуви.

Якшанба, 2. II

● УзТВ I 8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.30 «Савоянинг ўғирлавиши». Бадий фильм. 10.00 Спорт программаси: 1. «Ўзбекистон» спортни. 2. «Шохруҳ» клуби. 10.40 «Мушоҳада». 11.40 Араб тили. 12.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бухоро илҳомлари». 12.50 «Келажакимиз мактабда». Қорақалпоғистон халқ таълими ходимларининг изланишлари. 13.30 «Инсон ва қонун» почтасидан. 14.00 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Давраимизга марҳаб». * * * 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Типратикан, ит ва Нико исмли бола». Мультфильм. 18.15 Болалар учун. «Уйнаймиз-у, ўйлаймиз». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].

● «ОРБИТА IV» (Москва) 8.00 Ритмик гимнастика. 8.30 «Спортлото» тиражи. 8.45 «Ўз-ўзингга ёрдам бер». 9.30 «Эрта сахарлаб». 10.10 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». Ҳажвий кўрсатуви. 10.40 «Тонг юлдузи». 11.30 «Александр Каверзнев. Бошга бало бўлган мавзу». 12.20 «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. «1991 йил венгер фольклори». 12.55 «Бойлар ҳам йнглайдилар». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси [Мексика]. 14.00 Мультфильм. 14.10 «Рок-сабоқ». 15.00 Янгилликлар. 15.15 Спорт рақслари бўйича Россия чемпионати. 15.55 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Бир чимдим туз» [Франция]. 16.00 «Саёҳатчилар клуби». 17.00 «Қайтди». Хужжатли фильм.

● «ДУБЛЬ IV» (Москва) 8.00 Хабарлар. 8.20 «Энстро» студияси таништиради. 8.55 «Хоҳ ишонинг...». 9.25 «Ижтимоий Коннорснинг сўнги матч». Теннис. 10.10 «Здоровье» телевизион хизмати. 10.40 «Суперкитоб байрами». 11.40 «Ати баги...».

19.05 «Ой қарға». 19.55 «Ҳар нуни байрам». 20.05 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 19-серия. 21.00 В. Соломинининг ижодий портрети. 21.55 «Восток» банки. 22.00 Хабарлар. 22.20 «Пелинан» анцияси таништирилади. 22.40 Спорт томошалари. 22.50 «Интерро» таклиф этади...». Дам олиш кўрсатуви. «Тошкентдан гапирамаиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 1992 йил 24 январь сонидан олинди.

Ота ўғитлари

ХУНАРЛИ ХОР БЎЛМАС

РАХМАТЛИ падарибузрукворимиз иккам тўқсон йил умр кўрдилар. Ун ёшларида Тўйчи новвойга шогирд тушган отам салкам етмиш йил шу касб билан кун кўрдилар, бола-чақа боқдилар.

— Худога беҳисоб шукур, хунарим бор экан хор бўлмадим, — дердилар отам, — Мен ўқимадим, сенлар ўқиб, олим бўлинглар, лекин, хунарни ҳам ўрганиб қўйларинг, мени айтди дерсанлар, бир кунмас бир кун асқотиб қолади.

Оилада тўнғич фарзанд бўлгандигим учун у киши кўпроқ менга насиҳат қилардилар. «Уканг, сингилларинг сенга қараб, қадам ташлашади. Қадамнинг тўғри ол», — дердилар жиддий.

Отам жуда барвақт, тонг ёришмасдан ишга уринардилар. Бизларни ҳам эрта туришга, эрта туришнинг хосияти борлигига ишонтирдилар. Ёнларига кириб, сувала тутиб, нон ясаганимда, ҳали мактабга бормасдим. Ун ёшимда — биринчи бор тандирга кирганим, кечгаидек эсимда. Бўйим етмаганди. Отам обғим тагига тахта мослама қилиб бергандилар.

— Мана, энди новвойчиликни ўрганиб олдинг яъни устазадасан. Бемалол қўлингдан келади, — дедилар отам бир куни. — Ҳадемай ёзги таътилга чиқасан. (Янглишмасам, ўшанда еттинчи синфни тугатиб, саккизинчига ўтган эдим), — Мансур амакинга шогирд тушасан, хурувчилик касбини ҳам ўрганиб қўй.

Девор қўшимиз — раҳматли Мансур амаки доврўғи таралган, қўли гул иморат усталаридан эди. Шогирд тушдим. Ёзги таътил ҳам қандай ўтиб кетганлигини билмадим. Отам, пухтароқ ўргангин деб, келаси ёз яна Мансур амакига қўшиб қўйдилар.

Навбатдаги ёз келди. Отамлар мени ёнларига ўтқазиб: — Баракалло, ўғлим, икки-

та хунарли бўлдинг. Энди тоғанга шогирдликка тушасан. Ошпазлик билан қассобликни ҳам ўрганиб қўй, — дедилар. ...Орадан йиллар ўтди. Олий маълумотли бўлиб, ишга жойлашдим. Укам, сингилларим ҳам ўз йўлларини танлашди. Кунлардан бир кун оила жамулжам бўлганда, отам раҳматли сўз очдилар:

— Болаларим, мен қариб қолдим, беш кунлигим борми, йўқми, худо билади. Ҳаммаларингни хунарли қилдим. Бироқ, сенлар бошқа касб танладиларинг. Аммо, кўнглим тўқ, негаки, ҳаммангинг кўнглимда хунаrlаринг бор. Хунарли одам эса икки дунёда хор бўлмайди. Лекин, бир васиятим бор: барчаларинг болаларингга хунар ўргатасанлар, бу гапим доим эсларингда бўлсин.

Отам ўғитлари ҳамон ёдимда... Яқинда тўнғич набирам ўнга тўлади. Нон ёптирмоқчман...

НОННИ ЭЪЗОЗЛАНГ

НОННИ ҳам, унинг увоғини ҳам эъзозлаган ва кейинчалик бойиб кетган бир инсон ҳақидаги ривоятни илк бор отам раҳматлидан эшитганман. Зотан, у киши ноннинг исроф бўлишига сира-сира йўл қўймасдилар. Бот-бот ўттизинчи йиллардаги очарчиликни эслардилар. Бола-миз-да, биримиз бўлмаса, бошқамиз, бирон бурда нонни у ер-бу ерга ташлаб кетсак, ногаҳон отамиз уни кўриб қолгудек бўлсалар, қўлларига оҳиста олиб, пуфлардилар-да, ўпиб, пешоналарига суртардилар, бизни қаттиқ койирдилар.

— Нонни хор қилган одамнинг бу дунёси ҳам, у дунёси ҳам йўқ. Бу гапим доим ёдларингда бўлсин, — дердилар.

Уруш йиллари карточкага — оила жон бошига қараб нон бериларди. Ҳар куни нон ёпиб турганлигимиз учунми, буханка нон, албатта,

истеъмол қилинмасди. Онам карточкага олиб келинган нонни чиройли қилиб қир-қар ва қуриштиб қўярди. Уруш тугагач, ярим йил ўтар-ўтмас, отам раҳматли қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Кетма-кет уч марта операция бўлдилар. Онам ҳар куни икки-уч марта лаб шифохонага қатнарди. Оилага келадиган даромад эса йўқ эди. Ана шунда тахмондаги қуриштиб, қопланган нонлар жонимизга аро кирган эди...

ЛАГАН

ОТАМ раҳматли паловни хуш кўрардилар. Ҳар куни ош бўлсаям, йўқ демасдилар. Онам: «Бугун нима оҳ-қат қилай», деб сўрасалар, кулимсираб «ош»-да, дердилар. Биз — болалар эса ҳар биримиз хуш кўрган таомни егимиз келарди. Шунда отам «Бўпти, келишиб олайлик, ҳафтанинг пайшанба ва якшанба кунлари ош бўлсин, қолган кунлари сизлар айтганчалик бўлақолсин» дедилар. Биз беш фарзанд ҳам кунларни бўлашиб олдик. Бугун менинг куним, дея кечкурун қилинадиган севишли таомимиз номини эрталаб-даноқ онамизга айтиб қўярдик.

Отам ҳар пайшанба дастурхон атрофига тўпланганимизда ўтганларнинг руҳига икки калима қуръон ўқиб, дуо қилардилар. Қўлларидан келганча тиловатни бизларга ҳам ўргатгандилар. Ошни эса ўзлари яхши кўрган, хитой чинни лаганига суздирардилар. Уша лаган отамдан менга мерос қолган. Ҳар пайшанба ўша лаганда ош келишидан олдин отамни хотирлайман, икки калима қуръон ўқиб, руҳларига бахшида қиламан. Гоҳо ўзимнинг беш ўғлим ошдан сўнг тортишиб қолишади:

— Лаганини қайси биримизга берасиз?

— Қайси биринг мен қилган ишни қилсанг, — деб жавоб қиламан.

ШАРОФИДДИН АҚБАРАЛИ УҒЛИ.

ОМАДИНГИЗНИ СИНАБ КҮРИНГ!

«НАРХИНИ ҚАРА, НАРХИНИ...»

АГАР сиз видеомагнитофон, стереомагнитофон, музлатгич, чангюгич, телевизор ёки бошқа қимматбаҳо буюмлардан бирортасини сотиб олиш учун тижорат дўконига кирсангиз, сарлавҳадаги сўзларни айтиб, тепа сочингиз тикка бўлиши деч гап эмас. Чунки тижорат дўконларидаги нархлар ҳақиқатан ҳам «отнинг калласи»дек, лекин бошқа ерга борамай десангиз, бу молларнинг «уруғини» ҳам топа олмайсиз. Тўғри, балки бирор бошқа савдо рас-таларида сўнги пайтда бундай буюмларни учратгандир-сиз. Аммо энди купон дегандек...

Бозор иқтисоди, тақчилликка боғлиқ бундай масалалар кишини ташвишлантираётган бир пайтда Тошкент Давлат циркида кенг дам олиш-маданий дастурини қамраб олган янги тадбир уюштирилганини эшитиб қолдим. «Турон» тижорат банки Тошкентдаги 1-пояфзал ва чарм-атторлик фабрикаларини ҳомийликка жалб қилиб, ҳозирги пайтда бутун жаҳон халқлари орасида кенг тарқалган «Мўъжизалар майдони» капитал-шоусини ташкил этибди. Юқорида санаб ўтилган қатор қимматбаҳо буюмлар ўйинда ютуқ сифатида қўйилбди. Бу мени жуда қизиқтириб қолди. Ушбу ютуқларнинг бирортасига эришиш учун нима қилиш керак!

— Ортиқча ҳаракат талаб қилинмайди, — деб жавоб қилди саволимга тадбир режиссёри Фарҳод Аҳмедов. — Сиз «Мўъжизалар майдони»га ташриф буюрсангиз бас. Бўёғи омадингизга, билимингизга боғлиқ. Аввало чархни айлантириш йўли билан (унда ўринлар қатори, рақами ёзилган қоғозлар солинган бўлади) томошабинлар орасидан омадчилар — ўйин иштирокчилари танлаб олинади. Кейин улар орасидан билимдонлар сараланади. Иштирокчилар сафига қўшилмаганлар куйинмасалар ҳам бўлади. Чунки томошабинлар ўртасида ҳам кириш чипталари бўйича лотерея ўйини ўтказилади. Бу қаторга киролмаганлар ҳам афсусланмасалар керак. Негаки тадбирда қизиқарли тортишувлар, хушовоз хонандалар ва созандаларнинг чиқишлари бор.


Фарҳод аканинг сўзларини эшитиб, дилим равшан тортиди. Ҳозирги — кўпчилик тирикчилик гамида югуриб, маънавий-маданий дам олиш ҳақида унутиб бораётган бир пайтда ҳам иқтисодий, ҳам маданий жиҳатдан кишини ўзига жалб қилувчи тадбир нақадар зарур! «Мўъжизалар майдони» капитал-шоуси яна шу билан эътиборга сазоворки, у кишиларни ўз билимларини янада чуқурлаштиришга ундайди. Бир танловни кўрган одам «Ана шундай нарсаларни ўқиб, билиб олсам, мен ҳам бир чипта баҳосига музлатгич ёки телевизор ютишим мумкин экан» деган ўйга боради. Шу ниятда у адабиёт, маданият, тарих, сиёсат ва бошқа соҳалар бўйича ўз билимини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Бу эса «Мўъжизалар майдони»нинг ютуғидир.

Мен Фарҳод Аҳмедовдан капитал-шоунинг яна қачон, қерда, қандай мавзуда ўтказилишини сўрадим.

— Шу йилнинг 8 февралда Тўқимачилар маданият саройида ўтказилади, — деб жавоб берди у. — Барча қизиқчилар ташриф буюришлари мумкин. Аммо танланган мавзу ҳозирча сир, у капитал-шоу ўтказиладиган куни ошкор қилинади.

Тўғриси айтсам, «Мўъжизалар майдони» капитал-шоуси мени жуда қизиқтириб қўйди. Бундай тадбирларни янада равақ топшини тилаб қоларканман, бир нарсани дилимга тугиб қўйдим: мавриди келса, мен ҳам «Мўъжизалар майдони»га ташриф буюраман. Чунки ҳақиқий мўъжизаларга жуда ишонаман. Сиз-чи!

Шаҳноза АБДУШОҲИДОВА.



БОШҚОТИРМА

Қуйида таърифланган сўз ва номлар шаклда бир хилдаги ҳарфлар билан кесилган ҳолда жойлашади.
1. Савдо-сотик маскани.
2. Тор меваси.
3. Ралла

экиннинг дов бўлиб етишган тўп гули.
4. Хоразм вилоятидаги туман.
5. Торнинг ўтишга қўлай жойи.
6. Вухоро яқинидаги шаҳар.
7. Жанубда ўсувчи мевали

дарахт. 8. Автомобиль қисми.
9. Қулоччилик маҳсули, рўзгор буюми.
10. Полиз экинни.
11. Езув ашёси.
12. Пазандалик ашёси.
13. Қардош миллат.
14. Сирдарё вилоятидаги шаҳар.
15. Ойнабанд айвон.
16. Янчилган дон қолдиғи.
17. Турбинанинг айланадиган қисми.
18. Ўзбекистон жанубидаги туман.
19. Миррих (Марс) сайёраси йўлдошига учирилган кoinот немаси.
20. Лойдан ясалган буюм.

Ф. ОРИПОВ тузган.

1991 ЙИЛ 23 НОЯБЕРДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 3. Най. 5. Чит. 6. Газ. 8. Ток. 11. Домино. 12. Устюрт. 13. Май. 15. Доира. 16. Қумри. 17. Қир. 19. Соҳиби. 20. Исроил. 21. Шам. 23. Нон. 24. Нок. 25. Лоф.

БҮНИГА: 1. Сано. 2. Жибиланибон. 4. Каттақўрғон. 7. Ҳошимов. 8. Том. 9. Куй. 10. Кремний. 14. Ари. 17. Қиш. 18. Рим. 22. Анор. Ушбу бошқотирмага фақатгина Тошкент шаҳар Санбон кўчаси, Хуррият тор кўчаси, 76-уйда истиқомат қилувчи Умида Мавлонова тўғри жавоб йўллаган.

ЁШ АДАБИЁТЧИЛАР СИНОВИ

УРТА мактабларда фанлар олимпиадаси ўтказиш яхши анъанага айланиб қолган. Яқинда пойтахтдаги 63-мактабда «Ёш адабиётчи»ларнинг ноҳия олимпиадаси бўлиб ўтди. Олимпиада қатнашчиларини Киров ноҳия халқ маорифи бўлимининг ўзбек тили ва адабиёт услубиётчиси Усмонова Маҳмуда ҳамда 235-, 273-, 274-ўрта мактаб ўқитувчилари қизгин қўлдидилар.

Билимлар синовида ёш адабиётчилар «Дунёда шундай улуг бир зот борки...», «Санъат сеҳри — менинг қалбимда», «Ўткир Ҳошимов асарларини ўқиб», «Наврўз — тинчлик, тотувлик, шодлик, маъмурчилик байрами» мавзуларида ишро ёздилар, бадий ўқиш намунасини кўрсатдилар, ўқиган бадий асарлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Олимпиада қатнашчиларининг адабиёт назарияси, шoir ва ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги билимлари, онг тилидан сўзларни таҳлил эта оlish малакалари, санъаткорлик-

лари ҳам ҳакамлар томонидан баҳоланди. Билимлар синовида юқори кўрсаткичга эришган 274-мактабнинг ўқувчилари М. Алиева, У. Сандова, 247-мактаб ўқувчиси Н. Ҳайдарова, 63-мактаб ўқувчиси В. Каримова, 288-мактаб ўқувчиси В. Тиллаев биринчи ўринни эгаллаб, шаҳар олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Маҳмуда ВАЛИЕВА, 274-мактаб ўқитувчиси, ноҳия «Ёш адабиётчилар» олимпиадасининг ҳакам аъзоси.

Муҳаррир ўринбосари С. Ф. МУСАЕВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.